


London • 2019

ISSUE 10

International Scientific Journal

# MODERN SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL



Сафарова Ҳилола Охунжоновна  
(Бухара, Узбекистан)

### ЧЎЛПОН - ПУБЛИЦИСТ

**Аннотация:** Мақола Чўлпоннинг Бухорода матбуот соҳасида олиб борган фаолиятига бағишланади. Чўлпон "Бухоро ахбори" газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаш давомида газетада қатор шеър ва мақолалар эълон қилган. Шоир газетадаги ҳар бир ўзгаришдан қувониб, "Бухоро ахбори"ни бошқа шундай нашрлардан олдинда туришини таъкидлаган. Шу билан бирга Чўлпон газета фаолиятидаги камчиликларни ҳам аниқ кўрсатиб бера олган.

**Калит сўзлар:** "Бухоро ахбори" газетаси, Фитрат, Ф. Ҳўжаев, "тўртинчи ҳокимият", "Иш варақаси", бош муҳаррир.

XX аср ўзбек адабиёти ва матбуоти катта бир уммондир. Бу уммонга Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Чўлпон Бухорога келганида "Бухоро ахбори" газетаси муҳаррири вазифасини Муҳаммад Саид Аҳрорий бажараётган эди. Фақат у БХШЖининг (Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти) Озарбойжондаги вакили этиб тайинланиб, Бокуга бориши аниқ бўлгандан кейин Фитратнинг тавсияси билан Ф.Ҳўжаев уни "Бухоро ахбори" газетасига бош муҳаррирликка тайинлайди. Бу воқеа 1921йил июнь ойининг охирида содир бўлади. Газетанинг 30 июндаги 41-сони Чўлпоннинг "Абдулҳамид Сулаймон (Юнусов)" имзоси билан чиқди. Демак, 1920 йилнинг 7 сентябридан газетанинг 40 та сони ҳафтада 1-2 мартадан чоп этилиб турган. Чўлпон унга 1922 йилнинг 25 январигача (67-сонигача, жами 24 сонига муҳаррир сифатида имзо чеккан. У газетага етти ойча муҳаррирлик қилди. Бу даврда газетада босилган шеърларига), мақола ва ҳикояларига "Чўлпон", танқидий мақола ва фелъетонларига "Қаландар", Абдулҳамид Сулаймон (Юнусов), А. Сулаймон, Юнусий, Абдулҳамид С. таҳаллусларини қўллади.

Фитрат ва Ф.Ҳўжаевлар Чўлпонни газетага муҳаррир этиб тайинлаш орқали, аввало, газетанинг мазлум оммага таъсирини янада кучайтириш, ёш жумҳурият ҳукумати юргизаётган сиёсат моҳиятини оммага ташвиқ этишда Чўлпон истеъдодидан фойдаланиш, иккинчидан эса, Чўлпонни имкон қадар Бухорода узоқроқ тутиб туриб, Туркистонда унга нисбатан юзага келган ғаразли муомалаю нохушликлардан омон сақлашни кўзлаган эдилар. Чўлпон ҳам, ўз навбатида, уларнинг бу ниятлари нечоғли холислигини англаган ҳолда газетага муҳаррирлик қилишга розилик берган эди. Афтидан Чўлпон бунгача "Бухоро ахбори" газетаси аҳволи, унда босилаётган материалларнинг савияси билан ҳам яхши танишган кўринади. Шу сабабли муҳаррир сифатида имзо чеккан 41-сонигаёқ "Матбуот кучли бир давлатдир" мақоласини эълон қилиб, газетхонлар билан келажакдаги режаларини ўртоқлашмоқчи бўлади. Шу муносабат билан камтарлик қилиб ёзади: "Газета 41-сонидан бошлаб янги қўлга ўтди, газета бу кунгача яхши давом этган. Бунинг биз билмаймиз ва билмак учун ўқишмоқчи ҳам истамаймиз. Бу иш газета ўқигувчиларининг ишидур". Шундан сўнг газета атрофига "энг кучли қаламлар", "ғайратли ёшлар"